

# ИСТИҚЛОЛНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Mustaqillik huquq demakdir

# Нидо



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI BOSH  
PROKURATURASINING  
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

2006-yil 30-avgust, № 35 (504)

## ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фақуллода вазиятлар вазириликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги 2006 йил 29 августдаги Фармони-га мувофиқ қуйидаги прокурор-тергов ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

**Мамлакат қуролли кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойиллик намунасини кўрсатгани, миллий монфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун:**

**«ФИДОКОРОНА  
ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**КОДИРОВ Рашидjon Ҳамидович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**АРТЫКОВА Светлана Баймирзаевна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи

**«ДЎСЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**БАБАДЖАНОВА Гавҳар Дурдыевна** — Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича ёрдамчиси

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**ЗИЛЯЕВ Баходыр Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи

**НАЗАРОВ Абдуазиз Файзуллаевич** — Сирдарё вилоят прокуратураси қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалиқ юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

**Ватанимизнинг юксак  
мукофотлари  
муборак бўлсин,  
азизлар!**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### «ЎЗБЕКISTON ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шўхратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

**Абдуллаев Абдугани** — Республика «Усто» ижодий уюшмасининг Қўқон бадий ишлаб чиқариш корхонаси ёғоч-уймакор устаси

**Абдуллаҳўжаева Малика Саматовна** — Республика патологик анатомия маркази директори, академик

**Илясов Баходир Қиёмович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 214-машиналашган темир йўл станциясининг йўл соловчиси

**Саматов Саме** — Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори, Сирдарё вилояти

**Ҳайтметов Гулмат** — Гурлан туманидаги «Ҳайтиммат ота» фермер ҳўжалиғи бошлиғи, Хоразм вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2006 йил 25 август.



**Абдуллаев  
Абдугани**



**Илясов Баходир  
Қиёмович**



**Абдуллаҳўжаева  
Малика Саматовна**



**Саматов  
Саме**



**Ҳайтметов  
Гулмат**

## Тўйинг муборак

*Рухида ўн беш баҳор саботи,  
Ўн беш бурж юлдуз, бир ёр баёти.  
Осмоғни бўйлайди ул сар қаноти,  
Ватан, олам ичра сен бор-йўғимсан,  
Боболардан қолган ғолиб тугимсан!*

*Оҳ чекиб тўлғондим, тошлар уйғонди,  
Туғролар уйғонди, ҳўлоқ уйғонди,  
Мижжада музлаган ёшлар уйғонди,  
Ватан, асрлардан келган норимсан.  
Ёга бўй бермаган Бойчиборимсан.*

*Неча келгиндининг товонини ялаб,  
Ўчоқ-қозонига чиқдик ўт қалаб,  
Ҳамон, ҳанузгача ётурлар талаб,  
Ватан, замонлардан омондадурсан,  
Замонга тенглардан замондадурсан.*

*Байроғинг ҳўлпирар дунё саҳнида,  
Аждодлар тафти бор боланг шаҳнида,  
Бир улуг тоғлар бор элинг бахтида,  
Ватан, туғроғингда сарғашта жоним,  
Сен учун ҳамиша савашда жоним.*

*Делҳон осмон қилар хирмонларини,  
Шоир дoston қилар армонларини,  
Ўқи юрагининг фармонларини,  
Ватан, гуллаётсан чаман-боғимсан,  
Дилин мардум этган кўз қароғимсан.*

*Қирларда юғулар шаббода уйнаб,  
Йигит қизга бокар ўғринча бўйлаб,  
Хабарчи чопади отда тўй-тўйлаб,  
Ватан, тўйларингга бош бўлсин элинг,  
Улуг ташвишлардан толмасин белинг.*

*Сен-ку катта йўлда, қатордадирсан,  
Дилда эзгу мақсад, қарордадирсан,  
Муборак ўн беш баҳордадирсан,  
Ватан, Исмагинман, гарди пой бўлай,  
Озод кучоғингда жонфидо бўлай!*

**Исматулло Йўлдошев,**  
Самарқанд вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси

## Таҳлил

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик тантанаси арафасида ўтган йиллар ичида халқимиз эришган ютуқлар ҳусусида мулоҳаза юритиш юрағида Ватан тўйғуси бўлган ҳар бир юртдошимизга шавқ бағишлаши шубҳасиз. Бундан ўн беш йил бурун Ўзбекистон деган ёш суверен давлат қисқа муддат ичида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, дунёнинг қудратли давлатлари би-

зани юрт тинчлиғи, халқ фаровонлиғи, Ватан тараққиёти ғояси ташкил этган миллий истиқлол мафқураси халқимиз учун сафарбар этувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Суверенитетимизнинг дастлабки йилларидаёқ президентимиз Ислам Каримов: «Ўзбекистон келажағи буюк давлат деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарса: табиий бойликлар, унум-

тузумдан қолган асоратларга барҳам бериш, жамиятнинг барча соҳаларида чуқур ислохотлар бошлаш имкониятини берди.

Дарҳақиқат, истиқлол кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Миллий қадриятлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзида мужас-

**Баҳриддин ВАЛИЕВ,  
Тошкент шаҳар прокурори**

# Мустақиллик масъулияти

лан тенг ҳуқуқли субъект сифатида муносабатларга кириша олишини кўпчилик тасавур ҳам қилмаган бўлиши эҳтимол.

Эҳтимол, мамлакатимизнинг санокли йиллар ичида сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий соҳаларда эриша олган муваффақиятларига шубҳа ва гараз билан қараётганлар ҳамон топилар (халқимиз мустақиллик йилларида кўп бор бунинг гувоҳи ҳам бўлди). Лекин, Ўзбекистон кўплаб соҳаларда тарихий ютуқларга эришгани айни ҳақиқатдир. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Энг муҳими — халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқди. Бунда неги-

дор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими — бу дийрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди» деган эди теран эътироф билан.

Ҳақон тажрибасидан маълумки, мустақилликка эришган ҳар қандай мамлакат ўзи учун муносиб тараққиёт моделини ишлаб чиқиши шарт. Шу боис Ўзбекистонда ҳам реал ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий шароит ҳисобга олинб, халқнинг аънавий турмуш тарзи, менталитети асосида юртбошимиз раҳнамолиғида тараққиётнинг ўзбек модели ишлаб чиқилди. Бу собиқ

сам этган конституциямиз ишлаб чиқилди. Унга асосан қонунлар, кодекслар қабул қилинди.

Бошлаб юборилган ислохотлар жараёнидан ҳеч бир соҳа четда қолмади. Давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, суд-ҳуқуқ тизими, таъқиқ сиёсат соҳаларидаги ислохотларнинг устувор йўналиш ва вазифалари аниқ белгилаб олинди. Ислохотларнинг ҳуқуқий негизи учун тамал тоши қўйилди. Қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва қабул қилишининг бир бутун механизми вужудга келди.

(Давоми 8-бетда.)










31 АВГУСТ КУНИ

## ХАЛҚИМИЗ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТАДИ



Пойтахтимизда президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси калбимизга фахр туйғусини солиши бежиз эмас. Катагон қурбонлари, эл-юрт озодлиги йўлида шахид кетган аждодларимизнинг фидойиликлари бизларга ҳамisha ибрат. Хозир пойтахтимизнинг Юнусобод туманида, Бўзсув канали ёқасида кўкка буй чўзиб турган маҳобатли мажмуа ўрнида бир пайтлар ўтган-кетганлар калбига кўркүв соладиган жарликлар бўларди. Бугунга келиб бу ер нафақат тошкентликлар, балки юртимизнинг ҳамма жойидан келаятган меҳмонлар учун зиёратгоҳга айланган. Бир неча кундан сўнг «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ва «Катагон қурбонлари хотираси» музейининг барпо этилганга 4 йил тўлади. Шу муносабат билан биз «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрдик.



# Хотира беназир саодат

### Наим КАРИМОВ, «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармасининг раиси:

— Юрт озодлиги йўлида очилмай сўлган сиймолар руҳини шод этиб, армон-у ҳавасларини рўёбга чиқариш, уларнинг номларини авлодлар хотирасига муҳрлаш жуда катта саодатдир. 1999 йил 22 июль кунини Ўзбекистон Вазирилар Маҳкамасининг катагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилинган ва унда Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустақлақчилик даври қурбонлари ёдгорлик мажмуини барпо этиш ҳамда «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармасини тузиш лозимлиги қайд этилган эди. Шундан сўнг Президент Ислам Каримов ташаббуси билан тузилган жамоатчилик комиссияси ва «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармасини олдига катта ва масъулиятли вазифалар юклянди. Шулардан бири мустақлақчилик даври қурбонларини номма-ном аниқлаш, фидойи ватандошларимизнинг адабий-педагогик меросларини тўлаб ўрганиш ва нашар этиш, уларнинг ёруғ хотирасини турли йўللار билан абадийлаштиришдир. Бундай улкан вазифани катагон қурбонлари фарзандлари ва қариндош-уруғларининг ёрдамисиз, жамоатчиликнинг кўмагисиз бажариш осон эмас. Шунинг учун «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси омма ичига киришни, нафақат давлат архивларида ишлаш, балки катагон йилларида жабрланган кишиларнинг хотираларини ёзиб олиш, уларнинг қўлида сақланаётган хужжатлардан фойдаланиш йўли билан ҳам катагон даври тарихини яраттишни мақсад қилган.

Истибоддаврида халқимизнинг бошига тушган кулфатларни санаб адо этиб бўлмайдди. 1860-йилларда Туркистоннинг рус қўшинлари томонидан забот этилган 1990-йилларга қадар давом этган давр фожеалар билан тўла. Шу даврда бўлиб ўтган 400 дан зиёд катта-кичик кўзгоналарнинг юзлаб катнашчилари дорга осилди, отилди ёки Сибирга сургун қилинди. Афсуски, аксарият қурбонларнинг номларисақланиб қолмаган. Туркистон мухторияти ҳукумати-нинг тор-мор этилиши билан бошланган фуқаролар урушида ҳалок бўлган аксар аждодларимизнинг ном-

лари ҳам бизга маълум эмас. 1930-йилларнинг бошларида ўзга юртларга муштумзур сифатида сургун қилинган ва Ватанига қайтиб келмаган кишиларнинг на номи бор, на саноғи. «Кулоқлаштириш» билан олдинмакейн бошланган ва 1953 йилга қадар давом этган катагон даврида юз минглаб ватандошларимиз хонавайрон этилган.

Сталин шахсига сизиниш оқибатлари фаш этилгандан кейин совет давлати ўз тарихининг катта бир даври — 1930 — 1950-йилларни катагон даври деб эълон қилди. «Известия» газетасининг 1990 йил 14 феврал сониде берилган маълумотга кўра, 1930—1953-йилларда 3.778.234 киши аксилчиқилобий-аксилшўровий-миллатчилик ташкилотларига алоқадор унсур сифатида қамоққа олинган. Шулардан 786.098 киши отиб ташланган. Бу совуқ рақамлар орқасида қанчадан-қанча юртдошларимизнинг мусибатли қисмати ётибди. Бу жабрдийда кишиларнинг бирдан-бир айби ўз Ватанини озод ва обод қилиш эди. Ватан ва халқ озодлиги йўлида шахид кетган ватандошларимиз хотирасини ёд этиш нафақат тарихий ҳақиқатни тиклаш, уларнинг пок номларини оқлаш, балки ибратли ҳаёти ва кураши мисолида ёш авлодда истиқлол қадриятларига ҳурмат ва садоқат туйғусини тарбиялаш, ватанпарвар ва



батафсил маълумот беришади.

### Дилрабо АЛИМБЕРДИЕВА, «Катагон қурбонлари хотираси» музейи экскурсоводи:

— «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилган жой 1920-йилларга қадар Тошкент шаҳрининг ҳатто кундуз кўнлари ҳам юриш хатарли бўлган хилват жойи эди. Совет ҳокимияти ўзининг жазо ва қазо ишларини олиб бориш учун ҳудуд шу жойини танлаган.

1940-йилларга қадар бу ерда учта қатлгоҳ бўлиб, аксилчиқилобий ва аксилшўровий фаолиятда ноҳақ айбланган ота-боболаримиз отиб ташланган. Улар орасида Абдулла Қодирий, Фират, Чўлпон, Фулом Зафарий, Отажон Ҳошим, Зий Саид каби кўплаб арбобларнинг тўла бўлмаган рўйхатини давом эттириш мумкин. 2000 йил 22 май кунини Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг ташаббуси билан сталинча катагон қурбонлари — беғуноҳ ватандошларимиз хотирасига бағишлаб собиқ қатлгоҳлар ўрнида «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи тантанали суратда очилди. 16,5 гектар ерни эгаллаган ёдгорлик мажмуига сағана салобат бағишлаб туради. Сағананинг бурмали феруза гумбази металл конструкцияларга ўрнатилган бўлиб, улар Ҳозгон мрамари ва гипсланган сталактит билан қопланган. Гумбазнинг ички томони ганч нақшлар билан безалган ва 13 та ўйма нақшли мрамар устунлар билан ўралган. Сағана баландлиги 27 м. Гумбаз пойига юлдузсимон гирей нақшли қизил ва яшил Бухоро гранити ётқизилган. Пойгумбаз марказида узунлиги 2 м. ва ба-

— 1950-йиллардаги катагон; олтинчи бўлимда 1980-йиллардаги катагон («пахта иши»); еттинчи бўлимда Ўзбекистонда катагон қурбонлари хотирасининг эъзозланиши тасвирий ва кўргазмали намойишларда акс этган. Ушбу бўлимларда Ўзбекистон халқларининг Туркистон босиб олинган давр (1860-йиллар)дан совет империяси емирилгунга қадар кенган тарихининг фожеали саҳифалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Сухбатимиз давомиде хотира мажмуаси ва музейни зиёрат қилишга келганларни ҳам учратдик ва уларнинг қалбиде кечаятган ҳиссийлар билан қизикдик.

### Матлаббека УЛУҒБЕК қизи, меҳнат ветерани:

— Отам 1930-йилларда кулоқ қилиниб, Ҳазорбоғга сургун қилинган ва ўша ерда вафот этган. Турмуш ўртоғим иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлди. Қайнотам ва қайноғаларим эса 1937 йилда катагон қилинган. Алам қиладиган жойи — юқоридаги воқеалар бизнинг ҳаётимизга ҳам таъсирини курсатди. Ҳаётимизга, билим олишимизга тўқунчилик қилишган. Шукрчи, истиқлол тўғайи у кўнар ортда қолди. Энди «Шахидлар хотираси» мажмуига тез-тез келиб туриш, ўтганлар руҳини эслаш даркор.

### Сайёра ҲОЖИМАТОВА, шифокор:


— Отам Ватан озодлиги, истиқлол-лимизни орзу қилиб оламдан ўтди. 104 ёшли онам — Фотима Умрзокованинг мустақиллиқни шунчалик ҳаяжон, энтиқли билан кутиб олганини айтишга тилим осон. Ана шу дамларда у киши шукр қилиб, «Кўрсатганига шукр, болам, отам ва мен доимо қадрлаган улуғларимиз Чўлпон-у Фитрат, Абдулла Қодирий ҳамisha орзу қилган кўнларга етдим» деб қувонарди. Хотира майдони қурилганда беҳад фахрлилик, президентимизни дуо қилди. Афсуски, «Шахидлар хотираси» мажмуини кўра олмади. Лекин юртим оналарининг армони ушалгани, илҳақ қалблар ўзига кутлуг маскан топанлиги буюк бахтдир. Уйлайманки, табаррук қадамга борган ҳар бир инсон шахидлар хотираси олдиде бош эгади.

### Мақсудали ҚАМБАРОВ, Ўзбекистон миллий университети талабаси:

— Шаҳримизда бунёд этилган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи биз учун табаррукдир. Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Элбек, Абдулла Қодирий каби улуғ аждодларимизнинг номлари ва асарлари, Ватан истиқболи йўлидаги фидойиликлари бизга ҳамisha ибрат бўлиб қолади. Мажмуага келган ҳар бир инсон буни янада теранроқ англайди. Зеро, Ватан учун, халқ унч арзирли иш қилган инсонгина ёд этишдек улкан саодатта мушарраф бўлишни бугун яқин кўриб туришимиз.

«Hugiq» мухбири  
Гули ҲОЖИБОЕВА ёзиб олди





**(Давоми. Бошланиш 1-бетда).**  
 Ислохотларнинг ҳуқуқий негизи учун бешта энг муҳим йўналиш асос қилиб олинди. Яъни: биринчи йўналиш сифатида мамлакатимиз давлат суверенитети, иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини яратиш; иккинчи йўналиш — янги, бозор муносабатларига йўл очадиган қонунлар ишлаб чиқиш; учинчи йўналиш — халқ ҳўжалигининг бозор муносабатларига мос келадиган ҳуқуқий механизмининг яратиш; тўртинчи йўналиш — республикамизни халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти си-

## Саҳифаларимизда Тошкент шаҳри

**Мустақил Ҳбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент мамлакатимизнинг энг йирик саноат ва маданият маркази. Майдони 256 км². Аҳолиси сони жиҳатдан (2165,0 мингдан зиёд) Марказий Осиёда биринчи, МДХ бўйича тўртинчи ўринда турали. Шаҳарда халқ ҳўжалигининг деярли барча соҳаларига 3000 дан ортик корхона, жумладан, 1230 та саноат корхонаси, 2185 та кўшма корхона, 169 та соғлиқни сақлаш, 952 та ўқув муассасаси фаолият кўрсатмоқда.**



Тошкент шаҳар прокуратураси биноси.

амалга оширилган ишларга, эришилган натижаларга бугун барчамиз гувоҳимиз.  
 Яна бир эътиборга молик жиҳат: истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳам босқичма-босқичлик тамойили асосида олиб борилмоқда. Юқорида санаб ўтилган йўналишларга эътибор қаратаётганимизнинг сабаби шундаки, ўн беш йил ичида эришилган энг кичик бир ютуққа ҳам олиб борилаётган ислохотлар натижа-

ганда, ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — Ватанимизда демократик-ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат.  
 Президентимиз 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган парламентнинг кўшма мажлисидаги маърузасида бу ҳақда шундай деган эди: «Бизнинг узоқ мuddатли ва стратегик вазиқаси аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёни ва бозор ислохотларини янада чуқурлашти-

ши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қонун, фармон ва қарорлар, Бош прокурор буйруқлари асосида фаолият олиб бораёти. Асосий эътибор тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат ва бандлик, истеъмолчилар ҳуқуқи, давлат мулки ва бюджет маблағларининг сарфла-ниши, тўлов интизоми, банклар ва нақд пул муомаласи, энергоресурсларнинг сақланиши, бозорлар тўғри-

томонидан ишлаб чиқилган вояга етмаганларга доир қонунлар, дастурлар ижроси доимий назоратда. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 182 та текширув ўтказилиб, натижаси бўйича 1449 та прокурор таъсир чораси қўлланган. Республикаимиз миқёсида бу масалага қаратилаётган эътибор самара бермай қолмайди, албатта. Ярим йилликда пойтахтимизда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик сезиларли даражада қайта-қайта эришилди.

# МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

фатида таърифловчи ҳуқуқий нормалар яратиш; бешинчи энг муҳим йўналиш — фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминловчи қонунлар мажмуини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Шунинг билан бирга жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга ҳам устувор вазифа сифатида қаради. Бойси, асосий вазифа мукамал қонунчилиқни ишлаб чиқиш ва жорий қилишдангина иборат бўлиб қолмай, ана шу қонунларга риоя этиб яшаш қўниқмаларини ўзлаштирган, улларга ҳурмат билан муносабатда бўлувчи ҳуқуқий маданиятли фуқароларни тарбиялаш ҳам ўта муҳим жараён ҳисобланади.  
 Қайд этилган йўналишларда

сида эришилди. Ислохотлар эса пухта ўйланган, концептуал асосга — ҳуқуқий негизга таяниб олиб борилмоқда.  
 Мамлакатимизда шу кунга қадар амалга оширилган ва ҳозир ҳам давом этаётган давлат қурилиши, иқтисодий, суд-ҳуқуқ, ижтимоий ислохотларнинг асослари, йўналишлари ва амалга ошириш механизмларини президент Ислом Каримов ишлаб чиққанини эътироф этиш лозим. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «ислохот ислохот учун эмас, балки энг аввало инсон ва унинг манфаатлари учун» деган қонда ҳам президентимиз илгари сурган ғоя бўлиб, мазкур ислохотлар моҳиятини намён этади. Бошқача айт-

риш, одамлар онгда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир».  
 Суд-ҳуқуқ тизimini ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида эътибор берилиши натижасида прокуратура органлари фаолиятидаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди. Прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатлари кучайтирилиб, мустақиллик прокуратураси инсон ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатлари ҳимоясис сифатида фаолият юритмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳам пойтахтимизда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қар-

сидаги қонунлар ижросини назорат қилишга қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида мазкур йўналишларда 139 та текшириш ўтказилиб, 6504 та прокурор назорати ҳужжатлари қўланди.  
 Рақамларга мувожаат этакдан бўлсак, прокуратура терговидидаги жиноят ишлари бўйича аниқланган 4.354.263.000 сўмлик моддий зарарнинг 3.035.714.000 сўми дастлабки тергов даврида ундирилган.  
 Туман прокурорлари томонидан судларга 1.773.556.000 сўмлик даъво аризалари киритилиб, шундан 824.274.000 сўмлик даъво қаноатландирилган.  
 Мамлакатдаги демографик ҳолатдан келиб чиқиб ҳуқуқимиз

Шаҳримиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб, ҳамкорлиқни қучайтиришга эътибор бериб келинмоқда. Умуман, президентимиз ва ҳуқуқимизни, халқимиз томонидан зиммасимизга юклатилган вазифаларни бажариш хар биримиздан катта масъулият талаб этади.  
 Мустақиллик — ҳуқуқ, имконият ва шу билан бирга масъулият. Ана шу масъулиятни ҳис этиб ишлаш, ҳаёт кечиришинг ўзи улугъ неъматдир.  
 Имкониятдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни энг улугъ, энг азиз байрам билан табриқлаб қоламан. Тинчлик, тараққиёт, фазл-у барақа Ўзбекистонни ҳеч қачон тарк этмасин.



## ҲАШАР — ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

**Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг шундай сатрлари бор: «Хаётнинг хар лаҳзаси гўзал, умринг хар дами ганимат». Дарҳақиқат, ганимат умрни эзгу амаллар билан зийнатлаш керакки, бундан маҳалла-қўй, эл-юрт, бутун мамлакатга фойда бўлсин, хаётимиз янада гўзаллашсин. Утайтган кўнлар бизни Ўзбекистоннинг энг улугъ, энг азиз байрами — мустақиллик кўнига тобора яқинлаштираётган шу давларда хар бир юртдошимизнинг кўнгилдан шундай туйғулар кечаётган бўлса ажаб эмас. 19 август кўни бутун мамлакат миқёсида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида бунинг исботини кўрдик.**



Ҳашар халқимизнинг чиройли одатларидан биридир. Минг йиллар мобайнида у ўзбекининг ўзлитини кўрсатувчи қадрият даражасига кўтарилган. Ҳашарда қўлидан иш келган ҳаммага юмуш топилган: қари келса ошга, ёш келса ишга деганларидай қарияларимиз бош бўлиб ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб туришган, битмаган ишлар битиб, ҳар қандай муаммага ечим топилган. Энг асосийси эса, ҳашар бир восита бўлиб, эл-юртнинг аҳиллиги, бирдамлиги янада мустаҳкамланган.  
 Сирғалида ўтган ҳашарга тўхталадиган бўлсак, бу тадбирга туман прокуратураси ҳокимият, ички ишлар бўлими, солиқ инспекцияси, халқ таълими бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан олдидан тайёрларлик кўриб қўйган эди. Туман фаоллари билан маслаҳатлашиб, бу галги ҳашарда асосий эътиборни Спутник даҳасидида обонловлаштириш ишларига қаратишга қелишиб олдик. Ариқлар тозаланиб, кўчалар супуриб-сидирилди, дарактлар оқланди, ҳовлилар тартибга келтирилди. Бу ишларда туман аҳли, 300 нафар мактаб ўқувчиси, айниқса, ўт ўчирувчилар олий техник мактабининг 200 нафар талабаси фаол қатнашганини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу кўни туманимизга Ўзбекистон бош вазирининг ўринбосари Абдулла Арипов муовинлари билан таширф буюриб, меҳнатимизни эътироф этгани барчамизни бирдай қувонтирди.  
 Зоҳирий ободлик ботиний гўзалликнинг инъико-

сидир. Мана шундай талбирлар ёшлар учун энг яхши тарбия воситаси эканлигига шубҳа йўқ. Уларда кишининг маънавияти, «Хунарли хор бўлмас», «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деган мақолларнинг моҳияти, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлишнинг аҳамияти яққол намён бўлади. Ушбу тамойилларни мактаб ва коллежларда, маҳаллаларда бўладиган учрашувларда, матбуотдаги чиқишларимизда тинмай тарғиб этишимиз натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида туманда жиноятчиликнинг айрим кўрсаткичлари пасайишига эришдик. Ҳатто «Нўғайқўрон», «Мустақиллик» сингари маҳаллаларимиз борки, август ойида биронта ҳам жиноят содир этилмади.  
 Ҳар бир одам — бир олам, хар бир инсон — бир жумбоқ. Худо унга шундай тафаккур, куч-қудрат инъом этганки, хоҳласа бибёнини гулистонга, ёки аксинча, обод масканларни хароблага айлантириши мумкин. Бунга тарихда мисоллар кўп. Шукурки, халқимиз Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун бунёдорлик ишларидан бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Юқорида айтилганлар озад ва обод Ватан орузида юрган Ўзбекистонликлар ҳаётдан биргина лавҳа эди, холос. Эътуликни умрининг мазмуни деб билган юртдошларимизга истиқлол байрами муборак бўлсин!

**Зикрилла РАСУЛОВ,**  
 Сирғали туман прокурори







Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси мамлакатимиз Президентининг 1992 йил январдаги фармониغا асосан Уртаосийё транспорт прокуратураси базасида ташкил қилинган бўлиб, темирйўл бекатлари, аэропорт-у кемалар тўхташи учун портлар ҳамда автобуслар қатнайдиغان манзиллар ҳар бир вилоятнинг оstonаси ҳисоблангани боис, прокуратура тизимидаги бошқа ҳамкасбларимиздан фарқли ўларок, асосий вазифамиз ушбу ва ҳаракат хавфсизлигини, самолёт ва поездларнинг техник ҳолати, йўловчиларга намунали хиз-

## Саҳифаларимизда Республика транспорт прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги Фармониغا мувофиқ ташкил этилган. Вилоят прокуратураси мақомига эга. Унинг 9 та вилоятда, жумладан, Тошкент, Тошкент авиация транспорт, Фарғона, Бухоро, Оролбўйи, Самарқанд, Қарши, Термиз ва Ховосда кўйи транспорт прокуратуралари мавжуд.

бузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахслардан 13 млн. 785 минг сўмлик етказилган зарар, 9 млрд. 643 млн. сўмлик дебитор қарзлар ихтиёрли равишда ундирилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзлари 15,4 фоизга, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бўйича эса 48,5 фоизга камайишига эришилди. Қолаверса, назорат ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда нафақа ҳамда бошқа тўловларни ўз вақтида бе-

зилиш ҳолатлари ҳам аниқланаётган. 9 та шундай текшириш ўтказилиб, 8 та жиноят иши кўзгатиildi.

Масалан, Тошкент минтақавий темирйўл узелига қарашли Ховос темирйўл корхонасида 15 турдаги товар-моддий бойликлардан 21 млн. 129 минг 977 сўмлик камомад аниқланган. Ушбу иш юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, етказилган зарар тўлиқ ундирилди. Айбдорлар жа-

Улуғбек ИНОМЖОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
транспорт прокурорининг ўринбосари



# САФАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

мат кўрсатилишини таъминлаш, ходимлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдан иборат. Бундан ташқари, асосий эътибор транспорт ходимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ўзаро тўлов интизомини мустаҳкамлаш, транспорт тўғрисидаги, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат мулкни сақлаш каби муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунлар ижросига ҳам қаратилган бўлиб, бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг февралда маҳкама томонидан ўтказилган текширишда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК капитал қурилиш дирекцияси тақдим қилган баланс ҳисоботларида 250 млн. сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзлари кўрсатилмаганлиги аниқланиб, мансабдорларга нисбатан жиноят иши кўзгатиildi. Прокуратуранинг аралашуви билан қонун-

рилиши таъминланганлиги боис, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК тизимларида ойлик иш ҳақларидан қардорлик мавжуд эмас.

Юқорида айтилганидек, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатилишини назорат қилиш асосий вазифаларимиздан биридир. 2006 йилнинг шу давригача бу борада 35 та текшириш ўтказилди. Йўловчиларни ташвиш турли қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган 677 нафар темирйўл ходими маъмурий, 58 нафари интизомий жавобгарлик тортилиб, 2 млн. 136 минг сўмлик зарар ихтиёрли равишда эришилди. 26 та жиноят иши кўзгатиildi.

Транспорт корхоналарида давлат мулкнинг сақланишига қаратилган қонунлар ижросини бажариш юзасидан ўтказилган текширишларда, афсуски, қўпол қонунбу-

вобгарликка тортилди. Бундан ташқари, айрим фуқаролар ҳудудимизга ноқонуний равишда олиб кирган 917 млн. 385 минг сўмлик товарлар олиб қўйилган бўлиб, энг ачинарлиси, баъзи мутасадди шахслар бу ишда уларга кўмак беришмоқда. Фарғона вилояти боғжона бошқармаси 4-Бешарқ бўжона пости бош нозир Р.Маматкулов Қўжон шаҳридаги «Коттон-экспорт» МЧЖга қарашли 21 млн. 566 минг сўмлик пахта толасини тегишли ҳужжатлари бўлмаганда, чегарадан ноқонуний ўтказиб юборган.

Хулоса қилиб айтганда, транспорт прокуратураси фаолиятининг асосий негизда тизимда қонунийликни таъминлаш ётаркан, биз соҳа вакиллари йўлга отланган ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигини таъминлашни зиммасига оламини ҳамда уларнинг хавфсизлик масаласида хавотир олишларига йўл қўймаймиз.



Республика Транспорт прокуратураси биноси.

## Жиноятларнинг пайини қирқиб...

2006 йилнинг 1-ярмида Тошкент транспорт прокуратураси Ўзбекистон Бош прокурорининг буйруқлари, ҳайъат қарорлари ва кўрсатмалари талабидан келиб чиққан ҳолда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятларнинг олдини олиш бўйича муайян тадбирларни амалга оширди.

Асосий эътибор қонун устуворлигини таъминлашга қаратилиб, 15 дан ортиқ қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Ўзаро тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, вагонларнинг бекор туриб қолиши ва шикастланиши, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш ҳам диққат марказида бўлди.

Тошкент минтақавий темирйўл узелидаги қонунийлик ахролидан келиб чиқадиган бўлсақ, ушбу тизимнинг баъзи соҳаларида қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик каби жиноятлар қайд этилмаган. Бироқ, умумий жиноятлар сони ўтган ярим йилда 23 тага ёки 19,8 фоизга кўпайган. Рўйхатга олинган 139 та жиноятнинг 24 таси наркотик ва психотроп моддалар билан боғлиқдир. Ўтган йилнинг шу даврида 31 нафар шахсдан иборат 11 та гуруҳ жинояти фош этилган бўлса, жорий йилнинг 1-ярмида 46 нафар шахсдан иборат 18 та гуруҳ содир этган жиноятлар очилди.

Ҳисобот даврида ўғирликларнинг кескин кўпайиши жиноятчилик билан боғлиқ умумий кўрсаткичларга таъсир кўрсатмай қолмади. Таҳлилларга кўра, бу турдаги жиноятлар ўтган йилга нисбатан 50 фоизга кўпайган бўлса-да, қўрилган қоралар натижасида уларнинг 97,3 фоизи очилишига эришилди.

Умуман, жиноятлар сонининг кўпайганлиги асосан ўғирлик, алдаш ёки ишончли суиестемол қилиш йўли билан мулкдор зарар етказиш, спиртли ичимликларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, фирибгарлик билан боғлиқдир.

Прокуратура томонидан жорий йилнинг 6 ойи якуни бўйича жиноятчилик ахволи ўрғаниб чиқилиб, умумлаштирилди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Тошкент ТИИБ раҳбари номига тақдимнома юритилди.

Ушбу тақдимнома 13 июл куни кенгайтирилган мажлисда кўриб чиқилиб ва жиноятларнинг кўпайишига йўл қўйган айрим ички ишлар ходимлари интизомий жазога тортилди.

Ҳозирги асосий вазифамиз Тошкент темирйўл узелига қарашли ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоқадор барча органлар билан вазиятни чуқур таҳлил қилиб, фаолиятимизга таъкидлий кўз билан қараб, мавжуд хато-камчиликларни бартараф этишдан иборат.

Тошкент транспорт прокуратурасида бу вазифаларни бажариш учун барча шароит яратиб берилган.



Абдурашид МАННОНОВ,  
Тошкент транспорт прокурори

Транспорт прокуратураси «Прокуратура тўғрисида»ги қонун бўйича белгиланган фаолиятни олиб борагани билан, назорат жихатидан ўзинга ҳоё томонларга эга. Жумладан, Оролбўйи транспорт прокуратураси ҳам темирйўл ва ҳаво йўллари компаниялари ҳамда фуқароларнинг соғлиги билан мулкнинг жинорий таъвоулардан асраш, транспорт воситаларидан, энергетика ресурсларидан унумли фойдаланишга оид қатор қонунлар ижросини назорат қилар экан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга оширди.

2006 йилнинг дастлабки 6 ойида аниқланган айрим ҳолатлар бўйича фуқаролик ишлари бўйича судларга иш ҳақи ва моддий зарарларни регресс тартибда ундириш тўғрисида 13.151.000 сўмлик, корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ундириш ҳақида эса ҳўжалик судларига 808.869.000 сўмлик давёо аризалари киритилди. Қонунбузилиш натижасида етказилган 2.728.000 сўмлик моддий зарар ихтиёрли равишда тўланди.

Шу ўринда айрим раҳбарларнинг ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашиши ҳақида ҳам



тўхтаб ўтиш жоиз. Масалан, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «Хоразмэвтойўл» бошқармасининг 11.580.000 сўмлик, Тахитаташ махусус йўл-қўприк бошқармасининг эса 207.219.385 сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзи бўлишига қарамай, юқоридаги ташкилотта 9.507.000 сўмлик, кейингисига эса 31.692.889 сўмлик темирйўл хизматлари кўрсатилган. Дебиторлик қарзлари эса ҳануз ундирилмаганлиги боис компанияга 439.046.000 сўмлик зарар етказилган. Оролбўйи транспорт прокуратураси ушбу ҳолат юзасидан Ж.Қудайбергенов ва

## ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

С.Базарбаевларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, айбдорлар тегишли жазога тортилди.

Яна бир мисол. «Ўзтемирйўловчи» ОАЖнинг Хоразм филиалидаги 23 нафар вагон кузатувчисининг ишдан ноқонуний бўшатирилганлиги ҳамда маошларини ундириш ҳақидаги аризаси юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига киритилган давёо аризаси қаноатланганлиги, 11.803.776 сўм иш ҳақи ишчиларга ундириб берилди.

Бундан ташқари, ҳўжалик юритувчи субъектларга олдиндан тўланиши лозим бўлган 15 фоизлик тўловсиз хизмат кўрсатиб, оқибатда дебиторлик қарзининг муддати ўтишига йўл қўйган бекат бошлиқлари ва ҳисобчиларига нисбатан 26 та маъмурий иш кўзгатиилган.

Умуман олганда, Оролбўйи транспорт прокуратурасининг аралашуви билан жорий йилнинг 6 олти ойи мобайнида корхона ва ташкилотлардан жами 470.877.000 сўм дебиторлик қарзи ихтиёрли равишда тўланишига эришилди.

Прокуратурамизнинг назорат ҳудудида жойлашган «Ўзтемирйўловчи» ОАЖнинг Оролбўйи филиалида ўтган ярим йилда 826.302 йўловчига хизмат кўрсатилган бўлса, бу йил шу муддатда 918.783 йўловчи маъмур хизматдан баҳраманд бўлди. Албатта, бу юмушни бажаришда асосий эътибор йўловчи поездларда фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш қондаларига риоя қилишга қаратилмоқда.

Қилинган ишлар самарасини бермай қолмади. Қўнғирот ва Урганч минтақасида жояга етмаганлар йўртасидаги жиноятлар жорий йилнинг ярим йилида қайд этилмади, ҳудудимизда эса умумий жиноятлар ўтган йилга нисбатан 40 тага камайди.

Абдуҷамид МАГАМЕДОВ,  
Оролбўйи транспорт прокурори

Суратда: Оролбўйи транспорт прокурори А.Магамедов, прокурор ёрдамчиси А.Менглиқулов ва прокурор катта ёрдамчиси А.Еримбетовлар иш устида.

# Назорат

Ўғирликлар одатда шу қилмишни касб қилиб олган ёки иш жойининг тайини йўқ қимсалар томонидан содир этилади. Қуйидаги ҳодиса «қаҳрамон»ларининг эса оиласи-ю фарзандлари, тайин иш жойи бор. Қолаверса, ҳаммаси деярли бир жойда меҳнат қилишдади. Аммо, нафс дея аталмиш бало касд қилдим, ниятига етмай қўямас экан.

Жорий йилнинг март ойи. «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг Бухоро минтақавий темирйўл узелида турли вазифаларда ишловчи етти нафар «азамат» иш жойида узаро суҳбатлашиб ўтирганларида нима бўлди-ю, гап айланиб, фикрлари бир жойдан чиқиб қолди.

— Тўғри фикр, — деди улардан бири. — Қачонгача шунча юк ортлани вагонларни қабул қилиб жуна-тамитиз-у, ўзимиз фойдаланмаймиз? Мана бугун ҳам селитра ортлани вагон тайёр турибди?..

— Бўлмасам-чи, — унинг фикрини маъқуллади иккинчиси, — ҳозир бу ишни қилишнинг айнаи пайти. Биров билиб ўтирибдими?..

Тунги соат 3 ларда гуруҳ аъзолари «Қоракўл» бекатида «Тинчлик-Яккатут» йўналишида турган тепловознинг ёнида учрашди. Тезда бир вагоннинг сим бураси билан кўргошин тамғасини узиб, вагонга чиқишди-да, қоплардаги селитрани тушира бошлади. Р.Пўлатов, Б.Акрамов, М.Бобокулов, С.Хўжамбердиев, У.Эргашев, О.Мухаммедов ҳамда Т.Хайдаров шу йўл билан 2350 килограмм бўлган 47 қоп селитрани ўмираб, қопларни темирйўл ёқисидagi бездорга олиб кираётганларида, уларга Бухоро транспорт ИИБ ходимлари халал бериб қолишди...

Бухоро транспорт прокуратураси ходимлари «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик ком-

панияси Бухоро ҳудудий темирйўл узели ҳамда унга қарашли бекатларда мамлакатимиз президентининг қатор фармонлари ижроси юзасидан доимий равишда назорат олиб бормоқдалар. Айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдорларнинг вазифасига масъулиятсизлик билан қараётганликлари оқибатида юзга келаётган қонунбузилишлар бўйича тегишли чоралар кўрилмак-да. Бу борада айниқса мuddати ўтган дебиторлик қарзларини ундиришга доир ишларга тўхталиш ўринлидир. Жумладан, Когон ва Қоракўл пахта заводлари ва Қоракўл туман йўл кўжалиги пудрат таъмирлаш ва фойдаланиш корхоналари раҳбарлари номига тақдимома киритилди. Натижда улар 21.500.000 сўм мuddати ўтган дебиторлик қарзини ихтиёрий равишда тўладилар.

Шунингдек, юк ташиш ҳужжатларини қайта ишлаш технологик маркази Бухоро бўлими бошлиғи темирйўл хизмати кўрсатилаётган корхоналардан қарзларни ўз вақтида ундириш, дебиторлик қарзларининг мuddати ўтишига йўл қўямаслик ва қонун талабларини бузиш мумкин эмаслиги ҳақида расман оғохлантирилиб, «Навоийазот» ва «Қизилқумцемент» ОХЖдан 1.933.000.000 сўм дебиторлик қарзлари ундирилди.

Собир УМАРОВ,  
Бухоро транспорт прокурори





## Хайрли ташаббус

Сўнги уч-тўрт йил ичида Тошкент вокзалига йўли тушмаган ҳамшаҳарларимиз бу ерни дابدурустдан таний олмасе керак. Мамлакатимиз президентининг ташаббуси билан қайта таъмирланган вокзалнинг бугунги қиёфаси аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Касса заллари, дам олиш ҳамда болалар хоналари... Бу рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин. Албатта, бу бежиз эмас. Ахир миллионлаб юртдошларимиз ҳамда меҳмонларнинг ҳождатини чиқариб, узоғини яқин қилишда «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг ўзига яраша улуғи бор-да.

Маълумки, кўп сонли мижозларга хизмат кўрсатиш осон эмас. Бу юмуш соҳа ходимларидан юқори масъулиятни талаб этади. Қолаверса, сўнги йилларда халқ хўжалигида юқори кўрсаткичларга эришиш, қатор санатория, пансионат, дам олиш уйлариининг ишга туширилиши, турли хоржий давлатлар билан алоқалар ҳамда халқаро туризмнинг ривожланиши йўловчилар сони йил сайин ошиб боришига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу эса юқорида таъкидланганидек, йўловчиларга юқори даражали хизмат кўрсатишни талаб этади. Уйлайманки, бу хайрли юмушни бажариш, мижозларимизнинг ишончини оқлаш учун бизда барча имкониятлар етарли.

«Тошкент» вокзали бошлиғи  
Камолитдин ЙЎЛДОШЕВ

Суратларда: «Тошкент» вокзалининг  
бугунги қиёфаси.



Республика Транспорт прокуратураси бўлим бошлиғи Ҳикматилло Ташматов ариза билан келган фуқарони қабул қилмоқда.

— Кечирасиз, декларацияга юкларингиз ҳақидаги барча маълумотларни киритдингизми? Киририлмай қолган нарсалар, қимматбаҳо буюмлар, пуллар йўқми?

— Ҳаммасини ёзганман.

— Яхши, — божхона ходими шундай дея Алишернинг декларациясига кўл қўйиб, муҳр босди. — Энди, ака, юкларингизни мана бу ерга қўйинг.

Алишер сумкаларини ходим кўрсатган ерга, «Хайман» рентген аппаратига бирин-кетин қўя бошлади.

— Ис, ака, булар нима?

— Қайси?

— Манави, экранда кўринаётган.

— Ҳа, арзиманган нарсалар.

2006 йилнинг 28 марти. «Тошкент» халқаро аэропорти доимигидек гажум. Самолётлар турли йўналишлар бўйича учиб-кўниб турибди. Бир маҳал «Куала-Лумпур — Тошкент» йўналишида парвоз қилган самолёт пойтахтга келиб қўнганлиги ҳақида хабар қилинди. Трапдан тушган йўловчилар бирин-кетин залга киргач, регистрация қилдириб, юкларини олиш учун кута бошлади. Алишер ҳам юкларининг бирқасини аэропорт ходимига бериб, навбати билан уларни олди-да, божхона декларациясини тўлдирди. Сўнг бошқалар қатори божхона назоратидан ўта бошлади.

— Кечирасиз, юкларингизни олиб, четга ўтинг.

Алишер ноилож юкларини олди-да, ходим кўрсатган томонга ўтиб турди.

— Энди айтинг-чи, булар нима?

— Компютерга эҳтиёт қисмлар. Битта монитор. Ҳа, айтганча, «Панасоник» телевизор ҳам бор.

— Уларни нега декларацияда кўрсатмадингиз?

— Нега кўрсатмаган эканман? Мана, иккита «Тошиба» телевизор деб ёзганман-ку! Эҳтиёт қисмлар бўлса эски. Яъни, ишлатилган. Шунинг учун киритмадим. Телевизор билан мониторинг ёзишга, оқиғи вақтим бўлмади.

Божхона ходими шу заҳоти смена бошлиғини воқеадан оғоҳ этди. Зумда авиация прокуратураси ходимлари ҳам етиб келишди.

ганида Жонни исмли танишини учратиб қолганини айтиб берди. Жонни Алишер Ўзбекистонга қайтаётганини эшитиб, 22 та компютер винчестри, 1 та «Панасоник» ва 2 та «Тошиба» телевизорлари ҳамда 1 донга компютер мониторинги олиб кетиб, Тошкентдаги танишларига бериб қўйишни илтмос қилди. Унинг розилигини олгач, юкларни ўзи расмийлаштириб, бирқаларини Алишерга берди...  
Воқеанинг давоми билан эса юқорид

Тергов чоғида Алишер Пардаев дарҳақиқат саёхат қилиш мақсадида 22 март кун Маалайзияга учиб борганлиги, 28 мартда орқага қайтиш учун аэропортга келганини айтиб берди. Жонни Алишер ҳам ўзга юртдан мамлакатимизга учиб келувчи ҳар бир фуқаро каби божхона декларациясини расмийлаштиришда амалдаги йўриқномада кўрсатилганидек иш тутганида, яъни ўзи билан олиб келган юклар ҳақидаги маълумотларни батафсил кўрсатганида, суднинг қора курсисидан бошини ҳам қилиб ўтирмаган бўларди.

Жорий йилнинг май ойида жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди Алишер

Пардаевнинг қилмишини кўриб чиқиб, уни 3 йилга ахлоқ тузатиш ишига ҳамда маошининг 20 фоизини давлатга ўтказиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Шунингдек, божхона декларациясида кўрсатилган икки донга «Тошиба» телевизор Пардаевга қайтарилганидан, қолган буюмлар эса давлат эгаллигига ўтказилганидан бўлди.

Анвар МАМЕДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси транспорт  
прокурорининг катта ёрдамчиси



## ҶАЛА ТўЛДИРИЛГАН ДЕКЛАРАЦИЯ




*Мустақиллик тўғрисида мамлакатимиз бозор иктисодиётига ўта бошлагач, товар ишлаб чиқариш миқдори кескин ўсди. Ташқаридан маҳсулотларнинг кириб келиши бир неча ўн баравар кўпайди. Бинобарин, ҳалқимизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш зарурати пайдо бўлди. Шу аснода «Ўзстандарт» агентлиги бозор иктисодиётининг муҳим инфратузилмаси сифатида майдонга чиқди. «Ўзстандарт» агентлиги бўлим бошлиғи **Кобил ВАҲОБОВ** билан сўхбатда ана шу муассасанинг истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш бўйича амалга ошираётган ишлари ҳақида сўз боради...*



# ТОВАР СТАНДАРТГА ЖАВОБ БЕРСИН...

— Яқинда газеталарнинг бирида сифатсиз ароқ истеъмол қилиб, захарланган фуқаролар тўғрисида мақола ўқиганим. Унда «...мутахассисларнинг таъкидлашича, спиртниң истеъмолга яроқли тури этил спирти ҳисобланади. Аммо уни метил спиртидан ажратиб жуда қийин. Шунга асосан уларни ишлаб чиқариб савдога қўйишда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш хизмати каби масъул идораларнинг ходимларидан катта масъулият талаб қилинади» дейилган эди. Ушайманки, ҳамма ҳам стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш хизмати ҳақида тушунчага эга эмас...

— Биласизми, бу жараён жуда кенг тармоқни ўз ичига олади. Жумладан, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган низомага кўра, стандартлаштириш, метрология, сертификация ва аккредитация йўналишлари бўйича «Ўзстандарт»



Электр ва магнит катталарини ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик текширув лабораториясининг иш жараёни.

агентлиги шуғулланиди. Стандартлаштириш ишлари «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонун асосида амалга оширилади. Стандартлаштиришдан мақсад — маҳсулотларнинг аҳоли соғлиғи ва мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсизлигини, ўлчовларнинг ягона бirlиқда бўлишини таъминлашдан, шунингдек, истеъмолчилар ва давлат манфаатини ҳимоя қилиш, истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ хабардор қилишдан иборатдир. 2006 йилнинг биринчи ярмида 406 та метёрий ҳужжат ва уларга киритилган ўзгартиришлар

давлат рўйхатига олинди. Белгиланган тартибга кўра, ушбу метёрий ҳужжатларнинг амал қилиш мuddати 5 йилдир. Беш йил ўтгандан кейин маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ҳар бир ҳужжатнинг сифат кўрсаткичлари қайта кўриб чиқилади. Бунда фан ва техниканинг охириги ютуқлари ҳамда ҳукумат қарорлари инобатга олинади.

«Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунда стандартлар устидан давлат назоратини ўтказиш кўрсатилган. Бундай назорат «Хўжалик юртыгувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонун асосида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тасдиқлаган текширувлар режасига биноан олиб борилади.

Энди метрология ҳақида гапирадиган бўлсак, «Метрология тўғрисида»ги қонун асосида метрология ишлари олиб борилади ва унда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ўлчашларнинг ишончлилиги ва бирлигини таъминлайди.

Бугунги кунда метрология хизмати кўрсатиш марказларининг қиёслаш лабораториялари 2319 та намунавий ўлчаш воситалари ва юқори аниқликдаги қиёслаш ускуналарига эга.

2006 йилнинг биринчи ярмида 518,321 та ўлчаш воситалари давлат қиёсלוвдан ўтказилди.

Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш ишлари «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Адлия вазирлигида 2005 йили рўйхатга олинган сертификатлаштиришга оид тартиб-қоидаларга асосан олиб борилади. Бу хизмат-

ларни «Ўзстандарт» агентлигининг аккредитацияланган сертификатлаштириш идоралари амалга оширади. Маҳсулот ёки хизматнинг метёрий ҳужжат талабларига мувофиқлигини баҳолаш маҳсулотларни идентификациялаш, лабораторияларда хавфсизлик ва сифат кўрсаткичлари бўйича синовдан ўтказиш ва ҳолис ҳулоса бериш орқали мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш жараёнини ўз ичига олади.

— **Мамлакатимиз бозорларида сифатсиз маҳсулотларнинг кўпайиб кетишига сабабчи шахсларга қандай чоралар кўрилади?**

— Тўғри. Бугунги кунда пештахталарда турли давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилапти. Буларнинг ичидан кераклигини танилаб олиш харидорнинг иктидория бoғлиқ. Негаки, тижорат қилиш учун ҳам маълум даражада билимга эга бўлиш лoзим. Маҳсулотнинг яхшиини ажрата олиш керак. Бунинг учун биринчи навбатда товарнинг, у хоҳ озиқ-овқат, хоҳ кийим-кечак ёки хўжалик моллари бўлсин, мувофиқлик сертификати бор-йўқлигини суриштириш, унинг ташқи кўринишига эътибор бериш ва ёрлиғидаги маълумотларни албатта ўқш лoзим.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида ва «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида ишлаб чиқарувчи товар ёрлиғида кўрсатиши лoзим бўлган маълумотлар рўйха-

ти берилган. Сотиб олинаётган маҳсулотта талабчанликни ошириш мақсадида оммавий ахборот воситаларида бу борада кўплаб кўрсатувлар берилаяпти. Аввал ёриқни ўқиб, кейин маҳсулотни сотиб олиш кўникмасини қанча кўп омалаштирсак сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчилар шунчалик камаяди. Чунки, талаб ва таклиф асосида ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотларнинг харидори ҳам кўп, умри ҳам узoқ бўлади.

Маҳсулотнинг сифати учун белгиланган тартиб ва қоидаларга асосан ишлаб чиқарувчи жавоб беради.

Худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари томонидан 2006 йилнинг I-ярмида текширилган 542 та корхона ва ташкилотдан 435 тасида стандарт талабларининг бузилиши аниқланди ва мутасадди шахсларга нисба-

этиборан йитирма кун ичида амаллаштириб берилиши шарт.

Агар сотувчи бундан бош тортса, юқорида кўрсатиб ўтилган қонуннинг 26-моддасига биноан истеъмолчи «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда бошқа органларга уларнинг ваколатлари доирасида мурожаат қилиши мумкин.

— **Хорижий фирма ва корхоналар ишлаб чиқарган товарларнинг штрих-коллари бўлади. Улар нимани аъглатади?**

— Тўғри, бизнинг республикада ҳам штрих-коллар амалиётга киритилаяпти. Бундан мақсад ишлаб чиқариш корхоналари ва катта савдо мажмуалари омборларидаги ҳар бир маҳсулотнинг ҳисобини олиб боришдир. Шунинг таъкидлаш керакки, штрих-коллар

тан жарима солинди.

Мамлакатимизда сифатсиз маҳсулотлар олиб киритилгани аниқландиса, уларни сотиш таъқиқланади. Сифатсиз маҳсулот сотгани учун ҳужжалик суди томонидан жарима солинади. Уни сотган шахсга нисбатан энг кам иш ҳақининг 3 баравари га ча бўлган миқдорда маъмурий жарима қўлланилади. Яна шунинг қўшимча қилиниши хоҳлардимки, харидор маҳсулотнинг қачон ишлаб чиқарилгани ва яроқлилик мuddати, корхона номи, метёрий ҳужжат номерлари ҳамда сақлашни шароитига эътибор бериши керак.

— **Ҳамма ҳам маҳсулот сифатини текширишга эътибор беравермайди. Бунга қандай қарайсиз?**

— «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига биноан, истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда, сотувчи берган чек асосида у айна шундай маркали товарга етти кунлик мuddатда, мабодо товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганда эса истеъмолчи талаб қўйган пайдан

маҳсулотнинг нархини кўрсатмайди. Штрих-код чора чоразилар ва улар орасидаги турли ўлчамли оқ бўшлиқ шаклидаги расм бўлиб,



Механик ва геометрик катталарини ўлчаш воситалари устидан текширув жараёни.

унинг ичига бир неча рақам ёки сўзлар коди киритилган. Улар маҳсулус сканер орқали ўқилади. Яъни, ҳар бир маҳсулот истеъмолчига юборилаётганда ундаги штрих-коллар маҳсулус асбoб орқали ўқилади. Сканер тўғридан-тўғри компьютерга уланган бўлиб, олинган ахборотни маълум программа бўйича жойлаштиради. Компьютердан биз маҳсулот қоллигининг қарра жойлашганлиги ва бошқа ахборотларни билишимиз мумкин.

Республикада штрих-код масалалари билан EAN Uzbekistan ташкилоти ва «Ўзстандарт» агентлигининг штрих-коллаш маркази шуғулланади.

Маҳсулотдаги штрих-код қуйидаги 13 рақамдан иборат:

— биринчи 3 та рақам — миллий ташкилот номини ёки республикани билдиради. Ўзбекистон учун бу рақам — 478;

— кейинги 6 рақам — миллий тизимдаги корхона ёки республикада жойлашган корхона рақами; — кейинги рақамлар корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақами (масалан, «Зубная паста Дента-Мед обелвакошый, упаковка — алюминевая туба ва кортонном футляре, 72 гр.»);

— охириги рақам — назорат рақами.

Штрих-кодининг тепасида шу кодининг давлат регистрация рақами келтирилади.

Маймура ДҮСТЕРОВА сўхбатлашди

## МАХСУЛОТНИНГ ШТРИХ-КОДИ



**«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси**  
**ШҲҮРТАН ГАЗ КИМЁ**  
**МАЖМУАСИ жамоаси**

Бутун Ўзбекистон халқини яқинлашиб  
 келаётган **Истиқлол байрами** билан чин  
 дилдан қутлайди.

Меҳнатсевар, қўли гул  
 халқимизнинг яратувчилик ва  
 бунёдкорлик жабҳасида  
 эришаётган ютуқлари  
 тобора кўпайиб,  
 юртимиз кундан-кун чирой  
 очаверсин!

Ҳар бир хонадонга  
 тинчлик ва омонлик,  
 файзу барака, бахт-  
 саодат тилаймиз!  
 Йилнинг энг катта  
 тантанаси омадлар ва  
 фаровонлик тантанаси  
 бўлиб қолсин!

**Мустақиллик айёми**  
**муборак бўлсин,**  
**азиз ватандошлар!**





АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

# «ПАХТА БАНК»

Ўз акциядорлари ва мижозларини, барча юртошларимизни  
йил сайин ривожланиб тараққий топаётган мамлакатимиз

**Мустақиллигининг 15 йиллиги байрами**

билан самимий муборакбод этади.

Шу билан бирга «Пахта банк» Сиз азизларга ўзининг  
Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда 12 та вилоят бошқармалари,

187 та туман филиаллари ва 640 та мини банклари орқали миллий ҳамда чет эл  
валюталарида барча замонавий банк хизматларини таклиф этади.

**Соғлиқ, оилавий бахт ва муваффақиятлар  
доимо ҳамроҳингиз бўлсин!**

**Сизларни мижозларимиз орасида  
кўришдан бағоят хурсандмиз!**

**«Пахта банк» — фаровонлигингиз калити!**



// ҚУТЛОВ ВА ТАБРИКЛАР // ҚУТЛОВ ВА ТАБРИКЛАР // ҚУТЛОВ ВА ТАБРИКЛАР // ҚУТЛОВ ВА ТАБРИКЛАР // ҚУТЛОВ ВА ТАБРИКЛАР // ҚУТЛОВ ВА ТАБРИКЛАР //



## Шоикент Давлат Юридик институтини жамоаси

15

барга олиш ёқув юртин ва фран  
хотимларини халқимизнинг энг улуз,  
энг азуз байрами - Ватанимиз  
истиклолликнинг 15 йиллиги муносабати  
билан буйрун Ўзбекистон халқини гин юракдан  
самимий муборакбод этади.

Ушбу улуз кунларда баргангизга оилавий бахт,  
сизхат-саломатлик, юртингиз осмонни ҳаминша  
мусадффо бўлишини тилайди.



# МУБОРАК ГАЗНИ КАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*барга юртдошларимизни республикамизнинг  
энг азиз, энг қизғин байрами -  
Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги  
айёми билан табриклайди.*

Ушбу шуқуҳли кунларда мамлакатимиз  
аҳлига тинчлик ва хотиржамлик,  
дастурхонларига қут-барака, амалга  
ошираётган хайрли ишларига  
омад тилайди.

**Истиқлолимиз абадий бўлсин!**

**ДИЁРИМИЗ ТОБОРА  
ЧИРОЙ ОЧИБ  
БОРАВЕРСИН!**

Йўловчи машинада бораётган кекса аёл хайратини яширолмайдди. Ойнаванд коллеж, қайта қурилган стадион, таъмирланган кўҳна театр биноси, унинг рўпарасидаги истироҳат боғи. Ёшлар саройи, европача услубда қад ростлаган меҳмонхона...

— Анчалдан бери Фарғонага йўлим тушмагани. Шунча ўзгариш!..

Беихтиёр бобокалонимиз Амир Темурнинг бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган иморатларимизни кўринг деган гапи ёдга тушади. Истиқлол

одатландик. Мактаб ва коллежлар, олий билим даргоҳларида янги авлод етишиб чиқмоқда. Янги таълим-тарбия дастурларига мувофиқ минглаб коллеж, лицей биноларини қуриш ва жиҳозлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Бунинг учун бюджетдан миллиардлаб сўм маблағ ажратилмоқда. Вилоятимизда ҳам бу боралдаги ишлар кенг қўламда давом этаётган. Тендер асосида танлаб олинган қурилиш ташкилотлари компаниямиз орқали давлат буюртмаларини адо этишяпти. Бу йил шаҳар ва туманларнинг

— Мустақиллик куни нишонлангани, янги ўқув йили бошланадиган 1 сентябр арафасида режага киритилган барча коллеж ва мактаблар қурилиши ҳамда реконструкцияси ниҳоясига етказилди. 50 мингта яқин ўқувчи янги коллеж ва мактабларга ўқишни давом эттиради. Қурилиш ва капитал таъмирлаш жараёнида иш сифатига алоҳида эътибор қаратилди. Келгусида яна буюртма олиш, тендерда ютиб чиқишни кўзлаган қурувчиларнинг ўзлари ҳам ҳар бир ишни пишиқ-пuxта, си-

режа асосида таъмирланаётти, янги йўллар очилмоқда. Республика йўл жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратилаётти. Фарғона-Қўқон йўлининг Олтиариқ тумани Пахтаобод қишлоғидан ўтган қисми талабга жавоб бермасди. Қишлоқни четлаб қурилган янги йўл орқали транспорт қатновига қулайлик яратилди. Трасса яхлит ҳолда тикланди. Ўтган ярим йилда, шунингдек, Тошлоқ-Қоратеп-Эшонгўра йўли фойдаланишга топширилди. Йил охиригача йўлларни таъмирлаш учун 1 миллиард 347 миллион

## ЯНГИ ҲАЁТ ҚУРУВЧИЛАРИ

йиллари Фарғона, Қўқон, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, туман марказлари, қишлоқларнинг чиройи очилди. Шу кунларда айниқса Марғилонда бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Шаҳарнинг 2000 йиллик тўйига тайёргарлик кўрилаяпти. Янги иморатлар қурилмоқда. Жумладан, байрам арафасида шаҳарда янги коллеж фойдаланишга топширилди. Вилоят ягона буюртмачи инжиниринг компанияси директори Маҳкамжон Охуновдан бунёдкорлик ишлари тўғрисида батафсилроқ сўзлаб беришни сўрадик.

— Аввало, меҳнат жамоангизни истиқлолнинг 15 йиллик байрами билан қутлаймиз. Шу кичека фурсатда мамлакатимизда ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этилди. Дунёқарашимиз ўзгарди. Эркин фикрлашга

марказларида 10 та коллежнинг янги биноларини фойдаланишга топшириш, 3 та коллежни таъмирлаш режага киритилган. 2 та янги мактаб биносини қуриб битказиш, 85 та мактаб биносини капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Шу билан бирга бир неча шифоналар, турар-жой бинолари таъмирланди, спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди. Шу мақсадга барча манбалар ҳисобидан 41,8 миллиард сўм ажратилган. Президентимизнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ 11 та объектни капитал таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 385 миллион сўм маблағ сарфланади.

— Маҳкамжон ака, янги ўқув йили бошланганига таълим-тарбия даргоҳлари тайёрми?

фатли қилишга одатланишяпти. Муҳташам ва кўркам бинолари узоқ йиллар хизмат қилишга кафолат беришмоқда. Хусусан, «Қувасойтаъмирқурилиш», 1-КМК, «Қўқонагроқурилиш», 6-КМК, «Сааноатқурилишмонтаж», «Фартибқурилиш», «Муҳандис-96» каби масъулияти чекланган жамиятлар ва фирмалар ўзларига ишониб топширилган объектларни ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмай бекаму-кўст тарзда фойдаланишга топширганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

— Бошқа вилоятлардан келган меҳмонлар Фарғона йўлларига ҳавас қилишди. Қўқон-Фарғона, Фарғона-Андижон магистрал йўллари жаҳон андозалари талабларига жавоб беради...

— Вилоят аҳамиятидаги йўллар ҳам

сўмлик иш бажарилади. Компаниямиз зиммасига иш ҳажми ва сифати устидан назоратни қўчайтириш вазифаси юклатилган. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларда сув, газ таъминоти, турар-жой мавзеларининг инженерлик тармоқлари қурилиши ҳамда таъмирланиши режа бўйича, давлат буюртмаси асосида олиб борилмоқда. Ўтган 7 ойда 20 та ана шундай объектда иш якунланиб, фойдаланишга топширилди. Қурувчилар қатори компаниямизнинг муҳандис-ҳодимлари истиқлол байрамини муносиб тухфалар билан қарши олишяпти. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни, янги ҳаёт қурувчиларини кутлуг айём билан табриклайман.

Субхатни Исроил ИБРОҲИМОВ  
ёзиб олди



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ-

# ХАЛҚ БАНКИ

**Барчангизни Республикамиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади.**

**Сиз, азиз юртдошларимизга тинчлик-хотиржамлик, фаровон ҳаётингизда оилавий бахт ва истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда куч-қувват тилаган ҳолда байрам муносабати билан**

**Сиз азизларга янги «ТАШАББУС» - омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга, йиллик 22 фоиз даромад тўлаш шarti билан камида 20 000 сўм миқдориди Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.**

**ДИККАТ!!! ДИККАТ!!!**

**Сиз омонат очилган куннинг ўзида маблағларингизга ҳисобланган фоиз даромадини фойдаланган коммунал тўловлари учун ўтказиб бериш имкониятига эгасиз.**

**Оилангиз банки томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланинг!**

**Huquq**  
yuridik gazeta

Та'сисчи:

**O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi**

**Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:**

**Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:

Yusupboy G'OIPOV, Bahridin VALIYEV,  
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK,  
Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil  
MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:**

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-98-82,  
133-10-53.  
E-mail: Info@huquq.uz.  
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'yozma va  
suratlar egalariга qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan  
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan  
ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat  
ahamiyatiga molik materiallar \*\*  
belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida  
023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma № — 856.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va  
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **A.MUSTAFOQULOV**  
Mushahhif: **A.MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NIMK bosmaxonasida osetil usulida  
chop etiladi. Korxonani Toshkent shahar,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta  
haftaning  
chorshanba  
kunlari  
chiqadi.

Sotuvda  
erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 21.30. 1 2 3 4 5 6 7 8